

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ ва сув хўжалиги

инженер-ишловчилари

Б. Саҳибажонов

“10.07.2015” йил



“ТАСДІКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Ўрта махсус

таълим вазирлиги

С. Абдураҳманов

“10.07.2015” йил



“Ирригация ва мелiorация” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

I боб. Умумий қоидалар

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларини педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

“Ирригация ва мелiorация” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

II боб. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар

Педагог кадрлар қуйидаги йўналишларда билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:

- олий таълим давлат таълим стандарти, олий таълим давлат стандарти классификатори, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;

- олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни билиш;

- бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

- ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини ўзлаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асосларини билиш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш кўникмасига эга бўлиш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш малакаларига эга бўлиш;

- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;

- чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асосларини ўзлаштириш;

- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда қўллаш малакасига эга бўлиш;

- талабаларда танқидий фикрлашни шакллантира олиш кўникмасига эга бўлиш;

- бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;

- кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш малакасига эга бўлиш;

- талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш кўникмасига эга бўлиш;

- талабаларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш малакасига эга бўлиш;

- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни билиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш;

- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

Олий таълим муассасалари педагог кадрлари қуйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:

Ҳуқуқий компетентлик - таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш, локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

Касбий компетентлик – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари, педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва гуруҳий интервью) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллай олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; таълим олувчилар билан ўқув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек, бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қўллаш.

Информацион компетентлик - педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустақил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўқув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

Коммуникатив компетентлик - таълим жараёнида самарали мулоқотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар, ходимлар билан мулоқот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиклик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдиротларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

III боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг тасдиқланган намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим муассасалари педагог кадрларига қўйиладиган малака талаблари

III.1. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

Педагог кадрлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимга оид фармонлари, қарорлари моҳияти ва уларда белгиланган устувор йўналишларни;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги таълим-тарбия масалаларига оид ғоялар мазмун-моҳиятини;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олий таълимга оид қарорларини;
- махсус ваколатли давлат органларининг буйруқлари мазмунини;
- таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини;
- тегишли таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, шунингдек, ўқув режалари ва фан дастурлари мазмуни, аҳамиятини;
- меҳнат қонунчилиги, олий таълим муассасасининг Устави, жамоа шартномасининг мазмунини;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида педагогик фаолият ва ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш;
- локал норматив ҳужжатларни яратиш ва улар билан ишлаш;
- шахсий ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларни тизимли бажариш;
- бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни сифатини таъминлаш;

- дарс бераётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича фан дастурлари, тематик режаларни тузиш;
- талабалар билим, малака ва кўникмаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини адолатли баҳолаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий - тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак.

III.2. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

Педагог кадрлар:

- олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини;
- “педагогик технология”, “инновацион таълим техноогиялари” тушунчасининг моҳияти ва илмий асосларини;
- инновацион жараёнларнинг кечиш босқичларини;
- педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонларини;
- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини;
- ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асосларини;
- инновацион таълим технологияларининг йўналишлари ва турларини;
- шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишларини;
- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни;
- педагогнинг психологик, методик, информация, креатив, инновацион компетентлиги мазмуни ва тузилишини;
- педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмларини;
- педагогик деонтология асосларини;
- нутқ техникаси ва риторика асосларини билиши;
- таълим олувчи шахсини билиш, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва шахс сифатларини баҳолай олиш;
- таълимнинг инновацион шакл, метод ва воситаларидан ўқув жараёнида фойдалана олиш;
- очик маъруза, амалий машгулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва рефлексия;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор тажрибалар, замонавий ёндашувларни таҳлил этиш ва улардан педагогик фаолиятда самарали фойдалана олиш;

- ўқув машғулоти (лекциялар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулоти, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ни самарали ташкил этиш;
- самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибаларни таҳлил эта олиш ва ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш;
- шахсга йўналтирилган таълим технологияларини амалиётда қўллаш билиш;
- таълим оловчиларнинг билиш фаолигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, таянч сигналлар орқали ўқитиш, истикболли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ва бошқ.)ни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш;
- ўқитишнинг модулли таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- интерфаол таълим методлари, график органайзерлардан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- кейслар банкини яратиш ва ўқув фаолиятида фойдаланиш;
- электрон ўқув модулларини яратиш;
- педагог портфолиоси ва силлабусларни ярата олиш;
- чет тилларнинг бирида соҳага оид терминлардан машғулотларда эркин фойдаланиш;
- ўқув машғулотларини ташкиллаштириш ва олиб боришда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан фойдаланиш;
- аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш;
- педагогик фасилитацияни йўлга қўйиш;
- семинар-тренинглар, кичик гуруҳларда ишлашни ташкил эта олиш;
- таълим жараёнида эркин, ижодий муҳитни ташкил эта олиш;
- ўқув лойиҳалари, портфолиолар, аутентик материалларни ярата олиш ва ўқув мақсадларига йўналтириш;
- таълим жараёнидаги педагогик низоларни бартараф этиш;
- коммуникатив компетентлик, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- касбий фаолиятида замонавий педагог имиджини ярата олиш;
- овоз тони, темпини тўғри танлаш ва нутқнинг софлигини таъминлаш;
- талабалар билан ижодий, таълимий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- талабалар мустақил таълимини самарали ташкил этиш ва баҳолаш;
- замонавий талаблар асосида ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

Ш.3. Ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш

Педагог кадрлар:

- АКТ соҳасидаги фаолиятни тартибга солидиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ва аҳамиятини;
- ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва унинг қурилмаларини;

- компьютер тармоқлари, Интернет ва электрон почта асосларини;
- компьютернинг дастурий таъминоти, ахборот хавфсизлиги таъминотларини;
- Microsoft Office дастурлари (Word, Excel, Power Point, Access) ва замонавий дастурий пакетларни;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турларини;
- педагогик дастурий воситалар ва уларнинг турларини;
- педагогик дастурий воситаларни яратишга қўйиладиган дидактик, методик талабларни билиши;
- Microsoft Office дастурлари ва замонавий дастурий пакетлар ёрдамида ўқув-методик материалларни тайёрлаш;
- силлабус ва электрон ўқув методик мажмуа ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш ва электрон ўқув методик мажмуани ярата олиш;
- масофавий таълимнинг дастурий таъминотидан ўқув жараёнида фойдалана олиш;
- масофавий таълим учун ўқув-методик таъминотни яратиш;
- педагогик дастурий воситалардан ўқув жараёнида қўллаш олиш;
- талабаларнинг мустақил таълими учун электрон мулоқот муҳитини яратиш;
- компьютер тармоқлари, Интернет, электрон почта ва тармоқ технологиясидан мустақил фойдалана олиш;
- глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- электрон ҳужжат алмашиш дастурлари ва улардан касбий фаолият жараёнида фойдалана олиш;
- талабалар билан замонавий АКТ воситалари асосида мулоқот қилиш кўникмасига эга бўлиш;
- компьютер вирусларидан ҳимояланиш дастурларидан фойдалана олиш;
- электрон мониторинг тизимига маълумотларни киритиш, сақлаш ва таҳлил қилиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

III.4. Амалий хорижий тил

Педагог кадрлар:

- чет тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, умумевропа стандартларини;
- тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув)ни билиши;
- чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб боришда фойдаланиш;
- чет тилида тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш орқали умумевропа стандартининг талаб этиладиган B1 даражасига етказиш;

- мавзуга оид турли коммуникатив топшириқлар воситасида тил кўникмаларини ахборот қабул қилиш ва етказиш учун қўллаш;
 - тил ўқитишдаги турли ёндашувлар (коммуникатив ёндашув, ҳаракатли ўйинлар орқали ёндашув) ҳақида билимларга эга бўлиш ҳамда тил ўргатилаётган ва ўрганилаётган шароитни оптимал белгилай олиш;
 - чет тилларни ўрганиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, интернет сайтларидан ўз соҳасига оид материалларни танлаб олиш ва таҳлил қила олиш;
 - хорижий тилда тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш, тил амалиёти аспекти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида);
 - чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш;
 - мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, яъни суҳбатдошига ўз фикрини чет тилида баён эта олиш, диалогик ва монологик нутқ ёрдамида сўзлашиш ҳам ёзма мулоқотга киришиш;
 - хорижий тилда фикрни раво баён қилиш;
 - лингвистик компетенция (тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш, гапириш);
 - дискурс компетенция (матннинг муайян соҳага тегишлилигини ажрата олиш);
 - стратегик компетенция (қўйилган мавзуга ёндашган ҳолда нутқни мантикий ифодалаш);
 - маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш кўникмасига эга бўлиш);
 - икки тилли луғатлардан эркин фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиш;
- ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид чет тилидаги атамаларни қўллай олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

III.5. Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари

Педагог кадрлар:

- тизимли таҳлилнинг асосий тушунча, стратегия ва тамойилларини;
- тизимли таҳлил иерархиясини;
- тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишга таъсир этувчи омилларни;
- педагогик вазиятлар ва қарор қабул қилиш усулларини;
- талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнларида тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилишнинг ўзига хослигини билиши;
- қарор қабул қилишда оптимал усулларни топиш;
- ноаниқ вазиятларда қарор қабул қилиш;
- муқобиллик тамойили асосида қарорлар қабул қилиш;
- талабаларнинг индивидуал-психологик ва креатив ривожланиш даражасини тизимли таҳлил эта олиш;
- тизимли таҳлил методларидан ўз мутахассислиги йўналишида фойдалана олиш;
- тизимли таҳлилдан олинган натижаларни ва хулосаларни илмий асослай билиш;

- педагогик жараён натижаларини тизимли таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш;
- қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларида фойдаланиш;
- педагогик вазиятларда стратегик ва тактик қарорлар қабул қилиш;
- ўз касбий фаолиятини тизимли таҳлил этиш ва бошқариш кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим.

III.6. Маҳсул фанлар

Педагог кадрлар:

- ирригация ва мелиорация соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни билиш;
- ирригация ва мелиорация соҳасидаги янги илмий адабиётлар, илмий-тадқиқот лойиҳаларининг илмий натижаларини таҳлил қилиш бўйича замонавий усул ва технологиялардан фойдалана олиш;
- соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини яъни дала шароитида экспериментлар ўтказиш ҳамда улардан амалиётда ва машғулот давомида фойдалана олиш;
- ўтказилган тадқиқотлар мавзусига тегишли илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, илмий семинар ва конференцияларда маърузалар қилиш, соҳа бўйича олинган натижаларни илмий журналларда мақола сифатида чоп қилишни билиш;
- лойиҳалари мавзусига тегишли моделлар, алгоритмлар, услублар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни татқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизим ва инструментал воситалардан фойдалана олиш;
- сув ҳўжалиги қурилиш объектларидаги жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ишларини ва ресурсларини режалаштиришни билиш;
- сув ҳўжалиги иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишда меъёрий ва йўриқнома ҳужжатларидан фойдалана олиш;
- ирригация ва мелиорация тизимларида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида умумий маълумотлар, яъни “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги” тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни, гидротехника иншоотлари иншончилигини ошириш муаммолари, асосий илмий-техник ютуқларини билиши;
- ирригация ва мелиорация соҳасида қўлланиладиган гидротехника иншоотларининг бузилиши, авария ҳолатлари, гидротехника иншоотларидан фойдаланиш давридаги носозликлар ва аварияларнинг сабабларини, аниқлаш ва уларни бартараф этишни кўникмаларига эга бўлиши;
- мелиорация (зах қочириш ва сугориш) тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмалари соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаш;
- фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитида, мелиорация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмалари соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаш;

- соҳа бўйича гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмаларини эксплуатация қилиш технологик жараёнларини лойиҳалашни билиш ва амалга ошириш бўйича кўникмага эга бўлиш;

- компьютерларда мелиорация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмаларини эксплуатация қилишнинг автоматлаштирилган ҳисобларини бажариш тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва амалда қўллаш;

- ирригация ва мелиорация соҳасидаги гидротехник иншоотлари, насос станциялари ва қурилмаларини ҳамда уларнинг агрегатларини эксплуатация ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишни билиши ёки у тўғрисида маълумотга эга бўлиши;

- мелиорация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш стратегиясини белгилаш, муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

- соҳа бўйича мелиорация ва қурилиш машиналарининг ишчи жиҳозларини такомиллаштириш, машина ва иш жиҳозларининг конструктив чизмалари, кинематик ва гидравлик схемаларини таҳлил қилиш услублари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;

- ирригация ва мелиорация бўйича, қурилиш машиналарининг қўлланилишида хавфсиз иш шароитини ташкил этиш;

- соҳа бўйича машиналарни ишлатиш усуллари ва зарур қурилмаларни танлай олиш бўйича кўникмага эга бўлиш;

- мелиоратив, қурилиш машиналари, тракторлар ва технологик қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш, технологик қурилмаларини синаш, таъхис қўйиш ва камчиликларни бартараф эта билиш, ҳамда уларга техник сервис кўрсатишнинг методларини қўллаш олиш;

- соҳа бўйича технологик ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдалана билиши;

- ирригация ва энергетик режимларда ишловчи гидроэлектростанция (ГЭС)ларнинг иш режимларини фарқлай олиш;

- ирригация тармоқларидаги кичик ва ўрта ГЭСларнинг иш режимларини, суғориладиган кишлок хўжалик экинларининг вегетация даврига боғлиқлигини билиш ва уларни ишлаш даврини ҳисоблаш;

- ирригация тармоқларидаги гидроэлектростанциялар ва гидроэнергетик қурилмалари ҳамда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги қурилмаларни лойиҳалаш усулларини тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

- гидроэнергетик қурилмалари муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда амалиёт ва машгулот ўтиш жараёнида қўллаш олиш;

- гидроэлектростанциялар ва гидроэнергетик қурилмалар ҳамда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги қурилмалардаги иш жараёнларини ўрганиш ва улардан фойдалана олиш;

- гидроэлектростанциялар ва гидроэнергетик қурилмалар ҳамда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги қурилмалар

бўйича инновацион гоялардан тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва ўз иш жараёнида татбиқ қила билиш.

- сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш ва лойиҳалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқа олиш;

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини тўғри режалаштира олиш;

- лойиҳалаш ишларини бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олишни таҳлил қилиш, лойиҳа жамоасини бошқаришни билиш;

- касбий малакасини мунтазам ошириб бориш ҳамда янгиликка доимо интилиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

IV боб. Яқуний қоида

Мазкур малака талаблари ижтимоий - иқтисодий соҳа бўйича устувор йўналишлар вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштирилиб борилади.

Тошкент ирригация ва мелиорация
институтининг ректори



М.Хамидов

2015 йил “ _____ ” _____